

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi
**ГЛАБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА СУВ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ
ИФЛОСЛАНИШ МУАММОЛАРИ**

***Шерқўзиева Г.Ф., Бахриддинова М. Н, Расулов Р.С.,
Тошпулатов Б.,
Бойсариева М.Р.,Эгамбердиева З.З.,Абдурашидова Д***
Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация: *Очиқ сув ҳавзаларининг чиқинди сувлари билан ифлосланиши аҳоли ўртасида турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишига ва тарқалишига сабаб бўлмоқда. Айниқса қорин тифи, паратифлар, сальмонеллез, ичбуруғ, вирусли гепатитнинг “А” тури, вабо ва бошқалар. Ўткир юқумли касалликлар ифлосланган сув орқали тез ва оммавий тарқалиши хусусиятига эга. Кузатув йили давомида 2-чи тоифа сув объектларидан олинган намуналарнинг умумий сони 1881 та (100%) бўлиб, улардан 307 таси (16,3%) гигиеник талабларга мос келмаганлиги аниқланди. Ҳар иккала сув объектларнинг сувининг текшириши натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак кузатув йилида 2-чи тоифа сув объектларининг сувининг сифат кўрсаткичлари 1-чи тоифа сув объектлари сув сифатига нибатан кўпроқ ифлосланган.*

Калит сўзлар: *аҳоли, глобаллашув, сув объектлари, ифлосланиш, чиқинди сув, юқумли касалликлар, ташиқи муҳит, хавф омилли*

Долзарблиги: *Иқлим ўзгаришининг глобаллашуви, саҳроланиш жараёнининг дунё миқёсида давом этиши натижасида сув танқислиги хавфи тобора жиддий тус олмоқда. Евроосиё қитъасининг чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё давлатларида, айниқса, Ўзбекистон Республикасида сув танқислиги яққол намоён бўлмоқда[2,5,8]. Шу боис таҳдид солаётган хавфни баргараф этиш чора-тадбирларини кўриш республикамиз сув ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу билан*

бирга очик сув хавзаларининг чиқинди сувлари билан ифлосланиши аҳоли ўртасида турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишига ва тарқалишига сабаб бўлмоқда. Айниқса қорин тифи, паратифлар, сальмонеллез, ичбуруғ, вирусли гепатитнинг “А” тури, вабо ва бошқа бир қатор ўткир юқумли касалликлар ифлосланган сув орқали тез ва оммавий тарқалиш хусусиятига эга[1,4,6]. Бу касалликларни ташқи муҳитга анча чидамли бўлган бактериялар ва вируслар кўзгатади. Юқорида кўрсатилган касалликлар умумий ном билан ўткир ичак касалликларига кириб, улар тарқалиш бўйича бизнинг давлатимизда ўткир ичак касалликлари инфекцияси бўйича ёш болалар орасида 50 -70 % ташкил этади. Ўткир ичак касалликлари дунёда ҳар йили тахминан 5 миллион ёш болаларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Ушбу касалликларнинг ривожланишида айниқса атроф муҳит объектларининг хусусан, сув, озиқ-овқат маҳсулотлари ва турмушда ифлос қўл, уй-рўзғор буюмлари (идиш-товоқлар ва бошқалар) муҳим рол ўйнайди[3,7,9,10].

Тадқиқотнинг материал ва усуллари: Олдимизга қўйилган мақсадни бажариш учун 2022 йилда сув ресурсларининг тоифалар бўйича ифлосланиш ҳолати маълумотлари тахлили ўтказилди.

Тадқиқот натижалари. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз аҳолининг сувдан фойдаланиш жойларида сув объектларинг санитария ҳолати санитар -гигиеник текширишдан ўтказдик ва қуйидаги натижаларни олдик. 2022 йил олинган натижалар шуни кўрсатадики умумий олинган намуналардан (409) 16 таси гигиеник талабларга жавоб бермаган. 2022 йил давомида 1-чи тоифа сув объектларидан олинган намуналарнинг умумий сони 409 та (100%) бўлиб, улардан 16 таси (3,9%) гигиеник талабларга мос келмаганлиги аниқланди.

Кузатув йили давомида 2-чи тоифа сув объектларидан олинган намуналарнинг умумий сони 1881 та (100%) бўлиб, улардан 307 таси (16,3%) гигиеник талабларга мос келмаганлиги аниқланди. Ҳар иккала сув объектларининг сувининг текшириш натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак,

кузатув йилида 2-чи тоифа сув объектларининг сувининг сифат кўрсаткичлари 1-чи тоифа сув объектлари сув сифатига нибатан кўпроқ ифлосланганлигини аниқладик. Бизга маълумки 2-чи тоифа сув объектларидан маданий маиший эҳтиёжлар учун фойдаланилади бу эса аҳоли ўртасида сувга боғлиқ юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиққан холда сув объектларнинг сувининг текширишнинг таҳлил натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкин, кузатув йилида 2-чи тоифа сув объектларининг сувининг сифат кўрсаткичлари 1-чи тоифа сув объектлари сув сифатига нибатан кўпроқ ифлосланган. Бизга маълумки 2-чи тоифа сув объектларидан маданий маиший эҳтиёжлар учун фойдаланилади бу эса аҳоли ўртасида сувга боғлиқ юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ўтқир ичак юқумли касалликларининг олдини олишда микроорганизмларнинг маиший йўл билан тарқалишини бартараф этиш тадбирлари жуда муҳим аҳамиятга эга. Очiq сув хавзаларини турли чиқиндилар билан ифлослантирмаслик, белгиланмаган сув хавзаларида чўмилмаслик лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шеркузиева, Г. Ф., Саломова, Ф. И., & Юлдашева, Ф. У. (2023). Результаты санитарно-химических исследований воды.
2. Sherkuzieva, G. F., Turakhonova, F. M., & Mustanov, J. A. (2017). Results of laboratory research of the quality of drinking water.
3. Шеркузиева, Г. Ф., Данаев, Б. Ф., Жураева, Н. Т., & Сайфутдинова, З. А. (2016). Гигиеническая оценка санитарного состояния реки Сурхан. *Молодой ученый*, (1), 104-107.
4. Sherkuzieva, G. F., Turakhonova, F. M., & Mustanov, J. A. Results of laboratory research of the quality of drinking water/Tomsk, 2017.
5. Жумаева, А. А., & Шеркўзиева, Г. Ф. (2020). ЭКОЛОГО-ГИГИЕНИЧЕСКИЕ ОБОСНОВАНИЯ ПРИМЕНЕНИЯ НОВОГО ИНСЕКТИЦИДА СЕЛЛЕР В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

In *Эффективность применения инновационных технологий и техники в сельском и водном хозяйстве* (pp. 435-437).

6.Sherkuzieva, G. F. (2021). Сузиш бассейnlари сувининг ифлосланиш муаммоларининг замонавий холати. *Молодой ученый*, (21), 624-627.